



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 октябрь куни мамлакатимизга амалий ташир билан келган Америка Қўшма Штатлари Қуролли кучлари Марказий кўмондонлиги кўмондони генерал Кеннет Маккензини қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар ҳамда глобал хатарларга қарши курашиш мавзула-

рига алоҳида эътибор қаратилди. Афғонистонда тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаш ҳамда ушбу мамлакатнинг иқтисодий тикланишига амалий кўмак кўрсатиш юзасидан фикр алмашилди.



Икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Генерал Маккензи Ўзбекистон Республикаси Президентига учрашув учун самимий миннатдорлик билдириб, АҚШ мамлакатларимиз

ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, кенг қўламли ҳамкорликни кенгайтириш борасида қатъий эканини таъкидлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги кутлуғ айём — Ўзбек тили байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

1989 йил 21 октябрда, ғоят мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитда юртимизда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши миллий мустақиллик сари қўйилган муҳим қадам бўлганини барчамиз яхши эслашимиз.

Жамоатчилигимиз, халқимизнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, ўтган йили ушбу тарихий санани Ўзбек тили байрами куни сифатида белгилаш тўғрисида қонун қабул қилганимиздан ҳаммангиз хабардорсиз. Бугун мамлакатимизда биринчи марта кенг нишонланаётган ана шу байрам маънавий ҳаётимиздан мустаҳкам ва муносиб ўрин олади, деб ишонаман.

Ҳурматли юртдошлар!

Бугунги кунда биз янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубҳасиз, она тилимизнинг ҳаётбахш қудратига таянамиз.

Чунки, неча асрлар оша аждоқларимиздан бизга безавол ўтиб келаётган она тилимизнинг равнақи ва истиқболи ҳақида қайғуриш — бу миллатнинг ўзлигини англаши, унинг маънавий камолотини юксалтириш учун кураш демакдир. Давлат тилининг обрў-эътибори — бутун халқ, бутун жаҳиянинг обрў-эътиборидир.

Ҳозирги вақтда ер юзида ўзбек тилида сўзлашувчилар сони қарийб 50 миллион кишини ташкил этиши унинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради.

Айни вақтда юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элаларнинг маданияти ва урф-одатларини, хусусан, уларнинг она тилларини ривожлантириш учун ҳам зарур шароитлар яратилмоқда. Турли ҳудудларда ташкил этилган 140 га яқин миллий маданият марказлари ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Қўллаб-таълим-тарбия масканлари, оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга, қорақалпоқ, рус, қozoқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолият кўрсатмоқда. Хорижий тилларга ихтисослашган ҳамда таълим чет тилларда олиб бориладиган таълим муассасалари сони ошиб бормоқда.

Бугунги кунда хорижий давлатлардаги 65 та олий ўқув юртида ўзбек тили ва адабиёти ўрганилмоқда, ушбу соҳада илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бораётган чет эллик олимлар сафи тобора кенгаймоқда.

Куни кеча Афғонистон Ислом Республикасида Ўзбек тили кунига бағишланган байрам тадбирлари биринчи марта давлат миқёсида нишонланганини мамлакатимиз жамоатчилиги, бутун ўзбек халқи катта мамнуният ва хурсандчилик билан олқишлади.

Фурсатдан фойдаланиб, қардош Афғонистон давлати раҳбариятига ўзбек тилига расмий тил мақомини бериб, унга кўрсатаётган юксак эътибор ва ҳурмати учун яна бир бор чин дилдан миннатдорлик билдираман. Бу кўҳна заминда яшаётган барча миллатдошларимизни бугунги кутлуғ байрам билан эл-юртимиз номидан самимий муборакбод этаман.

Муҳтарам юртдошлар!

Мамлакатимизда ўзбек тилини замон талаблари асосида ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш борасида олдимизда катта ва масъулиятли вазифалар турибди.

Шу мақсадда “Давлат тили ҳақида”ги қонун лойиҳасининг янги таҳрири ҳамда шу муносабат билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳалари тайёрланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилди.

Хабарингиз бор, куни кеча “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони имзоланди.

Фармонга мувофиқ, ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элаларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва истиқболдаги вазифалар белгилаб берилди.

Фармон ижросини таъминлаш учун давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқ-шунослик, дипломатия, тиббиёт соҳаларида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва ҳарбий муассасалар фаолиятида тўлиқ давлат тилида иш юритиш бўйича бошлаган ишларимизни қучайтиришимиз керак.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда яшаётган, Ўзбекистонимизни ягона ва ахил оила деб биладиган турли миллат ва элалар вакиллари ҳам ўзбек тилини ўрганишга катта қизиқиш ва истак билдираётганлари, айниқса, эътиборлидир.

Шу муносабат билан бу борада мотивация омилларини қучайтириш, махсус дарслик, луғат ва қўлланмалар, видео ва аудиоматериаллар, замонавий ўқитиш услубларини кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги глобаллашган дунёда тилларнинг бир-бирига ўзаро таъсири, жумладан, четдан

сўз қабул қилиш қўлами ва суръати ортиб бормоқда. Афсуски, юртимизда бу жараён аниқ тизим ва илмий ёндашувларсиз юз бераётганини тан олган ҳолда, мавжуд ҳолатни бартараф этиш учун таъсирчан чоралар кўриш лозим.

Айни вақтда ўзбек тили алоҳида фан сифатида ўқитилаётган хорижий университет ва марказлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, улар учун ўқув адабиётлари яратиш борасида ҳам фаол иш олиб боришимиз лозим.

Жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиётининг сара намуналарини чет тилларга таржима қилиш ва нашр этиш, бу йўналишда шаклланган ижодий мактабларни ривожлантириш, юқори малакали таржимон-адиблар ҳамда мутахассисларни тайёрлаш ишларига жиддий эътибор қаратишимиз даркор.

Мамлакатимизда “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари”, “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари”, “Биринчи китобим”, “Жаҳон адабиёти дурдоналари” каби серияларни нашр этиш бўйича бошланган ишларни тизимли асосда давом эттириш керак.

Шунингдек, ўзбек тилининг жаҳон майдонида, хусусан, Интернет ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашни таъминлаш, она тилимизда қўллаб-қўллаш компьютер дастурларини яратиш бўйича ҳам олдимизда турган муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал қилишимиз зарур.

Ушбу кутлуғ байрам арафасида қабул қилинган “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарор ҳам ўзбек тили ва адабиётини, миллий маданиятимизни янада равнақ топтиришга қаратилган амалий ҳаракатларимиз билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

Ҳурматли дўстлар!

Атоқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний бобомиз айтганидек, **тил — миллат руҳини юксалтирувчи буюк кучдир.**

Шу маънода, **Она Ватанга муҳаббат ва садоқат — она тилига муҳаббат ва садоқатдан бошланади**, десак, янглишмаган бўламиз.

Мен мана шундай қараш ва тушунча ҳар бир юртнодларимизнинг ҳаётий эътиқодида айланади, бу борада муҳтарам зиёлиларимиз, фаол ёшларимиз, кенг жамоатчилигимиз барчага ўрناк ва намуна бўладилар, деб ишонаман.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Сизларни Ўзбек тили байрами билан яна бир бор самимий табриқлайман. Барчангизга соғлиқ-омонлик, бахту соадат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Ўзбек тилимиз ҳамиша безавол яшасин, доимо мағрур янгрисин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТИЛ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элаларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, ўзбек тили ва тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифаларини ҳамда истиқболдаги босқичларини белгилаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони мувофиқ:

1. Қуйидагилар:
а) **2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси** (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унда қуйидагилар назарда тутилсин:

мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятлариндан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;

таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш;

давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш;

давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элалар тилларини

ривожлантириш мақсадида кенг ва тенг имкониятлар ҳамда уларга давлат тилини ўрганиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш;

б) **2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2020-2022 йилларда амалга ошириш дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) 2-иловага мувофиқ;

в) **2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари** (кейинги ўринларда — Асосий йўналишлар) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, **Асосий йўналишлар** қуйидагиларни назарда тутлади:

а) таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш соҳасида:

2025 йилга қадар давлат мактабгача таълим тизимида амалдаги мактабгача таълим муассасаларининг ҳудудларини кенгайтириш ёки янги қуриладиган муассасалар ҳисобига ўзбек тилида гуруҳлар қамровини **72 фоизга**, 2030 йилгача эса **80 фоизга** етказиш;

2030 йилга қадар умумтаълим мактабларида ўқув йиллари учун таянч ўқув режаларида ўзбек тили фанини ўқитиш қўламини амалдаги **ҳафтада 84 соатдан 110 соатгача** ошириш;

олий таълим муассасаларида ўзбек тили кафедралари сонини 2025 йилга қадар **120 тага**, 2030 йилгача эса **140 тага** етказиш;

б) давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш соҳасида:

лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида **“Ўзбекистон миллий қомуси”** жилдларини нашр этишни босқичма-босқич қўпайтириб бориш;

2020 йилда ўзбек тилининг луғат бойлигини оширувчи **15 та** лингвистик, соҳавий-терминологик, изоҳли луғатлар яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТИЛ СИЁСАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

телерадиоканаллар суҳандон-бошловчиларининг ўзбек адабий тилидаги нутқ маданиятини оширувчи қайта тайёрлов курсларида ўқитиш тизими-ни жорий этиш ва камровни 2030 йилгача 100 фоизга етказиш;

в) давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига интеграциялашувини таъминлаш соҳасида;

2025 йилга қадар давлат тилида соҳавий иш юритиш ҳужжатларининг ягона электрон намуналарини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш учун 14 та онлайн дастур ишлаб чиқиш, 2030 йилгача эса ушбу кўрсаткични 25 тага етказиш;

дастурий махсулотларнинг ўзбекча иловалари ва электрон лугат дастурларини яратиш;

хорижликлар учун ўзбек тилини ўргатуви дастурлар яратиш;

г) давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш соҳасида;

2030 йилга қадар хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўргатувчи марказлар сонини амалдаги 17 тадан 60 тагача кўпайтириш;

2025 йилга қадар “Ўзбек тилининг дўстлари” клублари сонини 30 тага, 2030 йилгача эса 40 тага етказиш;

хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тили курсларини зарур илмий, ўқув-услубий, бадиий адабиётлар билан таъминлаш, ўзбек тилини ўргатишга доир илмий-тадқиқотлар миқдорини ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов) уч ой муддатда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтишни таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳини ташкил қилсин ва аниқ чора-тадбирлар ҳамда уларни молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини назарда тутувчи “Йул ҳаритаси”ни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

4. Белгилар кўйилсинки: 2021 йил 1 апрелдан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизими асосида раҳбар кадрларнинг давлат тилида расмий иш юритиш даражаси аниқланади ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар учун давлат тилини билиш бўйича даража сертификатлари жорий этилади;

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида ўзбек адабий тили меъёрлари ва давлат тилида иш юритиш бўйича қисқа муددатли (1-2 ойгача) ўқув курслари мунтазам равишда ташкил этилади.

Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда мазкур банднинг иккинчи хатбосида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Фанлар академияси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзбек тилидаги мавжуд лугатлар асосида узлуксиз таълимнинг барча турлари учун қуйидаги ўқув лугатларини яратиш чораларини кўрсин, шу жумладан:

кўп жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”нинг тўлдирилган янги наشري (кирилл ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида);

“Ўзбек тилининг имло лугати”;

“Ўзбек тили синонимлари лугати”;

“Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли лугати”;

“Ўзбек тили фразеологизмларининг катта изоҳли лугати”;

“Ўзбек тили омонимлари лугати”.

Мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари йўналтирилсин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

олий таълим муассасаларининг филология таълим йўналишларида “Компьютер лингвистикаси”, “Амалий филология” йўналишларини ташкил қилсин;

Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тили марказлари фаолиятини йўлга қўйсин; ўзбек тилига оид барча илмий, назарий ва амалий маълумотларни ўзида жамлаган электрон кўринишдаги ўзбек тили миллий корпусини яратиш чораларини кўрсин;

Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили 1 декабрга қадар Дастурда ва Асосий

йўналишларда белгиланган топшириқлар юзасидан амалга оширилган ишларни пухта таҳлил қилиш асосида Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб борсин.

7. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда ўзбек тилидан жаҳоннинг етакчи хорижий тиллари ва хорижий тиллардан ўзбек тилига таржима қилувчи компьютер дастурини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан яратиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда тизимдаги ахборот-таҳлилий, маънавий-маърифий ва маданий-гуманитар телеканалларини хорижий давлатларда телерадиокомпаниянинг ОТТ платформасини (Интернет тармоғи орқали теледастурларни намоиш этиш тизими) Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишга тушириш ва бошқа замонавий информация технологиялардан фойдаланган ҳолда намойиш этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг “O‘zbekiston” телеканалида юртимиз ҳудудига истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини тарғиб қилувчи, мамлакатимизга оид ахборот-таҳлилий, маънавий-маърифий, маданий-гуманитар билим доирасини кенгайтиришга хизмат қилувчи ва интеллектуал ҳамда бошқа маълумотларни хорижий тилларда (Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллатлар тилида) ёри-тадиган “Do‘stlik” ахборот-маърифий дастурлар тахририятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, “Do‘stlik” ахборот-маърифий дастурлар тахририяти Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига ажратилаётган бюджет маблағлари ва қуйи ташкилотларнинг мавжуд штат бирликлари доирасида ташкил этилади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси манфаатдор ташкилотларни жалб

қилган ҳолда 2021 йил 1 январдан бошлаб марказий телеканалларда “Тилга эътибор”, “Она тилида сўзлашамиз”, “Нотиқлик маҳорати”, “Тил — миллат кўзгуси”, “Китоб билим манбаи”, “Билимли ёшлар — келажақ бунёдкори” каби туркум кўрсатув ва эшиттиришларни ташкил қилиб, мунтазам равишда эфирга узатиб борилишини таъминласин.

9. Мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзлари) ва грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар белгилансин.

10. Қуйидагиларга:

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаментига — Концепция ва Дастурни амалга ошириш ҳамда Асосий йўналишларга эришиш борасида давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига — Концепция, Дастур ва Асосий йўналишларда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идора билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Ш.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2020 йил 20 октябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ
ҒАЙРАТДИН ХОЖАНИЯЗОВ



Мамлакатимиз илм-фани оғир жудопикка учради. Археология соҳасидаги атоқли олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Ғайратдин Хожаниязов шу йил 19 октябрда 72 ёшида вафот этди.

Ғ.Хожаниязов 1948 йили Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг жамоа ҳўжалигида ишчи бўлиб хизмат қилди. 1972 йилда Нукус давлат педагогика институтини тугатиб, ўз илмий фаолиятини Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг Тарих, археология ва этнография институтидида тадқиқотчи сифатида бошлади. Сўнгра ушбу филиал аспирантурасида таҳсил олиб, тарих фани бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Таникли олим ўзининг қарийб 50 йиллик илмий фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг Тарих, археология ва этнография институтининг кичик ва катта илмий ҳодими, Қорақалпоғистон тарих ва маданият ёдгорликлари муҳофазаси қилиш жамияти раиси, Тарих, археология

ва этнография институтининг археология бўлими мудири, Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг археология бўлими мудири каби лавозимларда самарали меҳнат қилиб, мамлакатимизнинг қадимий тарихи, археологик ёдгорликларини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш, юксак малакали илмий кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Археология соҳасида ўзининг илмий мактабини яратган заҳматқош олимнинг ўнлаб илмий тадқиқотлари, монография ва қўлланмалари, жумладан, “Қадимги Хоразм мудофеа иншоотлари”, “Қорақалпоғистоннинг аҳолий етти эсдалиги” сингари асарлари нафақат юртимиз, балки чет эл илмий-маданий жамоатчилиги ўртасида ҳам яхши маълум. Унинг раҳбарлигида олиб боришган археологик изланишлар натижасида қадимий Хоразм маданиятига оид, Марказий Осиёдаги энг қадимий ҳисобланган девор суратлари топилиди ва тадқиқ этилди. Фидойи олим Қорақалпоғистон-Австралия халқаро археологик экспедициясининг етакчиларидан бири эди.

Ғ.Хожаниязов жонқуяр педагог сифатида ўнлаб истеъдодли олимларга устозлик қилди.

Ғ.Хожаниязовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги кўп йиллик самарали хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Меҳнат шўхрати” ордени ва Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан мукофотланган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин ва самимий инсон Ғ.Хожаниязовнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВА, Н. ИСМОИЛОВ,
А. АРИПОВ, М. КАМАЛОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ

ШҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР
БОШ ПРОКУРОРЛАРИНИНГ
МАЖЛИСИ

20 октябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Бош прокурорларининг ўн саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган мажлисга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошев раислик қилди.

Тадбирда ШҲТга аъзо, кузатуви ҳамда мулоқот бўйича шерик давлатлар бош прокурорлари, шунингдек, ШҲТ Бош котиби Владимир Норов, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) ижроия қўмитаси директори Жумахон Ғиёсов, Халқаро прокурорлар ассоциацияси президенти Чхол-Кю Хван иштирок этди.

Мажлисида қайд этилганидек, ШҲТ умумий манфаатларни ҳимоя қилишнинг самарали тизимидир. Яхши қўшничилик ва дўстлиқни мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашда ушбу нуфузли тузилма муҳим роль ўйнамоқда.

Ташкил этилгандан буён ШҲТ давлатлари ўртасида ўзаро ҳурмат, тушуниш, юқори даражадаги ишонч ва биргаликда қарор қабул қилиш руҳи шаклланди. Жумладан, коронавирус пандемиясига қарши курашда Ташкилотга аъзо давлатлар бирдамлиги ва ўзаро қўллаб-қувватлашнинг юқори даражаси — “Шанхай руҳи” яққол намоён бўлди.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши саммитларида жиноятчиликка қарши кураш, жумладан, Ташкилотга аъзо, кузатуви ва мулоқот бўйича шерик давлатлар ўртасида ҳамкорлиқни кенгайтириш ва чуқурлаштириш орқали сазй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлиги таъкидлаб келинган.

Шу нуктаи назардан, мазкур анжуманда кузатуви ва мулоқот бўйича шерик давлатлар Бош прокураторлари ва вакиллари иштирок этиши ШҲТ доирасида ҳуқуқий соҳада идоралараро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Прокуратура органлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик умумий мақсадга эришиш, яъни ШҲТ маконида қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг муҳим омилдир.

Коррупцияга қарши кураш доимий равишда дунё ҳамжамияти, хусусан, ШҲТ давлатлари учун ҳам долзарб масала экани инобатга олиниб, тадбирда мазкур иллатга қарши кураш бўйича самарали механизмлар муҳокама қилинди, айни йўналишда ўзаро тажриба алмашилди. Соҳадаги мавжуд муаммолар конструктив равишда муҳокама қилиниб, тегишли масалалар ечими бўйича ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган устувор чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлис иштирокчилари яқдиллик билан қайд этганидек, Бош прокураторларнинг кенг қўламли ишлар бўйича биргаликдаги сазй-ҳаракати, ташаббуслари халқаро майдонда ШҲТ обрўсини, глобал мавқеини янада оширишга хизмат қилади.

Бинобарин, минтақавий ва глобал сиёсатни шакллантириш механизми сифатида дунё аҳолисининг ярмидан кўпини бирлаштирган ШҲТни Евроосий минтақасида хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашдаги ўрни мустаҳкамлаб бормоқда.

Мажлис тўлиқ ўзаро англашув руҳида, дўстона муҳитда ўтди.

Йигилиш якуни бўйича имзоланган Баённомада кун тартибидидаги асосий масалалар бўйича ҳамда ШҲТга аъзо давлатлар Бош прокурорларининг ўн тўққизинчи мажлисини 2021 йил Ҳиндистон Республикасида ўтказиш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
Ўза мухбири

Муносабат

ЭЛ ШОНИНИ ЮКСАЛТИРУВЧИ ҚАРОР

Ҳар бир лаҳзаси Ватан ва миллат тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилишга лойиқ бир даврда яшаямиз. Дунёда, мамлакатимизда кечатётган кизгин воқеликни очиқ кўз, тийрак назар билан кузатган одам, бир томондан, коронавирус пандемияси боис хатарларга тўлиқ, иккинчи томондан, мураккаб шароитга қарамай, Ўзинчи Ренессанс ғояси билан куролланиб, дадил одимлаётган янги Ўзбекистоннинг оламга татирли ютуқларига тан бермай иложи йўқ.

Нурбой ЖАББОРОВ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти
университети кафедра
мудири,
филология фанлари
доктори, профессор

Ана шундай вазиятда миллий адабиёт ривожига ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратилаётгани замирида миллатнинг маънавиятига, келажагига бўлган юксак эътибор турганини эътироф этмоқ зарур. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги” қарори бунинг ана бир амалий тасдиғидир.

Ушбу қарорнинг Ўзбек тили байрами арафасида имзоланишида ҳам улкан рамзий маъно бор. Негаки, ҳазрат Алишер Навоий бундан қарийб беш ярим аср муқаддам она тилимизнинг “асл тилларнинг маншайи”, яъни дунёдаги асл тилларнинг келиб чиқишига асос, замин бўлган тиллардан эканини илмий жиҳатдан исботлаб берган эди. Президентимизнинг сиёсий иродаси тугайли ҳазрат Навоий тили БМШ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида жаҳон минбарига баралла янграгани, изма-из ушбу тарихий қарорнинг қабул қилиниши мамлакатимизда “Миллий тилканишдан — миллий юксалиш сари” шiori остида олиб борилаётган ислохотларнинг ҳаётий тақозосидир.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг беназир адабий-илмий меросини замон талаблари даражасида тадқиқ этишдан уни ўқитишнинг узлуксиз таълим концепциясини ишлаб чиқишгача, хорижий давлатларда сақланаёт-

ган буюк шоир қаламига мансуб ва у яшаган даврга оид кўл ёзма-миллатнинг факсимиле нусхаларини мамлакатимизга олиб келишдан улугъ мутафаккир асарларини чет тилларга таржима қилиш, нашр этиш ва хорижий мамлакатларда тақдиротларини ўтказишгача, Навоий асарлари ҳамда навоийшунослик фани бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқотларнинг электрон платформасини яратишдан кўл ёзма манбалар асосида шоир асарларининг мукаммал илмий нашрини амалга оширишгача — катта қўламдаги беқиёс ишларни қамраб олгани ушбу қарорнинг аҳамияти нечоғлиқ баланд экани тасдиғидир.

Қарорда кўзда тутилган Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди ташкил этилиши буюк мутафаккир адабий-илмий меросини ўрганиш ҳамда халқаро миқёсда тарғиб ва ташвиқ этиш ишини янги сифат босқичига кўтариши аён. Дунёнинг ривожланган давлатлари буюк мутафаккирлар номида Гёте институти, Пушкин институти сингари муассасалар ташкил этиб, улар меросининг халқаро миқёсдаги тарғиби билан шуғулланиб келаётган бир шароитда Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондида бениҳоя катта эҳтиёж бор эди.

Алишер Навоий ордени таъсис этилиб, ушбу юксак мукофот билан буюк мутафаккир ижодини ўрганиш ишига улкан ҳисса қўшиб келаётган мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда илмий-ижодий муассасаларни тақдирлаш кўзда тутилгани бутун дунёдаги навоийшунос олимларга, улугъ шоир меросининг тадқиқотчилари ҳамда тарғиботчиларига катта рағбат бериши жиҳатидан улкан аҳамиятга эга.

Афғонистон Ислom Республикасининг Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоий мақбараси мажмуасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш масаласининг



Хаким Йўлдошев олган сурат.

кун тартибига қўйилиши улугъ бобокалонимиз руҳини шод этиши, ул зотга бўлган эҳтиромнинг юксак намунаси эканини таъкидлаш керак.


Буюк аждодларнинг умумбашарият тараққиётга қўшган беназир ҳиссаси, илму ирфондаги оламшумул муваффақиятлари билан фахрланиш яхши. Лекин бу фахр улугъларимизнинг асарларини чуқур ўрганиш, улардаги умрбоқий ғояларни ҳаётга татбиқ этиш билан чамбарчас боғланмас экан, миллатнинг қаноти қайрилиб қолади. Алишер Навоий асарларини узлуксиз ўқитиш концепциясини ишлаб чиқиб, 2021-2022 ўқув йилидан барча таълим муассасаларида шу асосда ўқитишни йўлга қўйиш, “Навоий ва ёшлар” махсус дастури яратилиб, “Навоий ворислари” ғазалхонлиқ танлови, “Навоийни англаш” мавзусида иншолат танлови ўтказилиши, бешта муҳим ташаббус доирасида ёш дастуричиларни кенг жалб этган ҳолда, Алишер Навоий асарларининг мобил илова-

Янги қонун кучга кирди

Қонунчиликдаги ўзгаришлар аҳолини ортиқча оворагарчиликдан халос этади, коррупциянинг олдини олади

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилаётгани ва одамларни ташвишга солаётган жиддий муаммоларни аниқлашнинг бутунлай янгича тизими жорий этилгани аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, халқимизнинг давлат идораларига ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.



Президентимизнинг 2019 йил 9 январда қабул қилинган “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлди. Қарорда 2020 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жами 28 турдаги ҳужжатларни фуқаролардан талаб қилиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан эса уларнинг берилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Шунингдек, мазкур қарор билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ишламаётган бир қатор функциялари бекор қилинган. Жумладан, турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсатнома бериш функцияси ҳокимликлардан туман (шаҳар) қурилиш бўлиmlарига ўтказилди. Шунингдек, ҳокимликларнинг бозор фаолиятини тўхтатиб туриш бўйича қарор қабул қилиш каби ваколатлари бекор қилиниши белгиланган.

Табиики, бундай муҳим чора-тадбирлар давлат хизматларидан фойдаланишда аҳолига ва тадбиркорларга катта қўлайлик яратмоқда, фуқароларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, коррупция ҳолатларининг олдини олиш имконини бераётир. Бироқ баъзи давлат органлари ва ташкилотларида эскирган бюрократик усулларда иш юритиш давом этаётгани, хусусан, замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланмаслик ортиқча оворагарчилик ва аҳолининг эътирозига сабаб бўлаётгани бу борадаги ҳуқуқий-ташқилий ишларни изчил давом эттиришни тақозо этмоқда.

Президентимиз томонидан жорий йил 28 сентябрда имзоланган “Бюрократик тўсиқлар янада қисқартирилиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойиллари жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ана шундай долзарб муаммолар ечимини йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

— Мазкур қонун асосида 6 та қонун ва 3 та кодексга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. — дейди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Фурқат Тожиев. — Хусусан, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгаришларга кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан технологик, ўрмон-мелиорация, агротехник, гидро-техник, санитария-техник тадбирларни келиштириш назарда тутилган функция ва ваколатлар чиқариб ташланмоқда. Натижада сув ва сув объектларидан фойдаланиш соҳасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини эркин юритиш учун ортиқча бюрократик тўсиқ олиб ташланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгариш билан ҳокимларнинг маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган қарорлар қабул қилиш ва маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган айрим қоидаларни белгилаш, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгаришга кўра, ҳокимларнинг атмосфера ҳавосига инфослантирувчи моддалар чиқарилишининг йўл қўйиладиган нормативларини бузиш билан боғлиқ бўлган фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш масаласида қарор қабул қилиш ваколатлари тугатилди.

Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимликларнинг ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни қорвачилик эҳтиёжлари учун тайёрлашга рухсатнома бериш, ўрмонларнинг ҳолатига зарар етказилган ҳолларда ташкилотлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш бўйича қарор

қабул қилиш ваколатлари ҳам бекор қилинди.

Мазкур нормаларнинг амалиётга татбиқ этилиши маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида иш ҳажмининг камайишига, уларнинг бевоСИТА ўзларига тегишли бўлган функционал вазифаларни бажаришига имкон яратади. Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларининг ўзларига тегишли функциялари билан янада самарали шугулланишини таъминлашга хизмат қилади.

Илгари транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси ёнида бўлмаган ҳайдовчиларнинг машинаси жарима майдончасида ушлаб туриларди. Эндиликда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддасига транспорт воситаларини ушлаб туриш ва қўриқдан ўтказиш асослари ва тартибига ўзгариш киритилмоқда. Шунга асосан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси ёнида бўлмаган ҳайдовчилар транспорт воситаларини бошқарганда, уларнинг автотранспорт воситаларини ушлаб туриш тартиби бекор қилинади ва фуқароларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатлари кучайтирилади. Бу эса фуқароларга нисбатан жазо базасини қисқартирган ҳолда коррупция ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Янги қонун билан Меҳнат кодексининг тегишли моддаларига ҳам ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, кодекснинг 80-моддасидан ишга кираётган шахсдан талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхатидан турар жойдан маълумотнома чиқариб ташланмоқда. Натижада фуқаролар томонидан меҳнат шартномаларини тузишда ортиқча бюрократик тўсиқларга, сансалорликларга чек қўйилди.

Қолаверса, Уй-жой кодексининг 111-моддасида мулкдор, ижарага олувчи, уй-жой қуриш ёки уй-жой кооператив аъзосининг турар жойни алмаштириш тўғрисидаги аризасига илова қилиниш лозим бўлган ҳужжатлардан турар жойда яшавётган шахслар қўрсатилган ҳолда яшаш жойидан маълумотнома талаб қилиш бекор қилинмоқда.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 117-моддасидан фуқаролар томонидан сақлаш гувоҳномаси (бронь) бериш тўғрисидаги аризага илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар таснифидан ҳам яшаш жойидан маълумотнома чиқариб ташланмоқда. Натижада турар жойларни алмаштириш ва сақлаш гувоҳномаси (бронь) беришда фуқаролардан яшаш жойидан маълумотнома талаб этилмайди.

“Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасида дастлабки тарзда васий ёки ҳомий тайинлаш васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс томонидан аризасига илова қилинадиган ҳужжатлардан яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан олинadиган маълумотнома чиқариб ташланмоқда. Бунинг натижа-сида васий ва ҳомий бўлиш истагини билдирган фуқароларга қўлайлик яратилади.

“Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонундан назорат остидаги шахснинг қаердалиги аниқланмаган тақдирда ички ишлар органи назорат остидаги шахснинг турар жойи ва этиб келмаслик сабабларини аниқлаш бўйича қўрилган чоралар ҳақидаги ҳужжатлардан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи томонидан бериладиган маълумотнома бекор қилинмоқда. Натижада ички ишлар органларининг иш юритувини соддалаштиришга имкон яратилади.

Ушбу қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Қарор ва ижро

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, судларни ҳуқуқий давлатчилик талабларига мослаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ушбу устувор масалалар юзасидан ўтган уч йилда 20 дан ортиқ қонун, фармон ва қарор қабул қилинди. Ислохотлар натижасида судлар томонидан илк мартаба 2 минг 273 фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, жиноят йўлига билиб-билмай кирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озодликдан махрум қилиш жазоси қўлланмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик кафиллигига олинди.



ОДИЛ СУДЛОВНИ ҚАРОР ТОПТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

унда инвестициявий низолар учун алоҳида судлов тизими жорий этилади

Хусусан, суд ишларини назорат тартибида кўриш институти тугатилади.

Бу одил судлов ва адолатни таъминлаш соҳасида жиддий қадам ҳисобланади. Бунда Олий суд раиси, Бош прокурор ва улар ўринбосарлари суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи бекор қилинади.

Жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда, тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишининг умумий тартибда қуриб чиқишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичи киритилади.

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ НИЗОЛАР УЧУН АЛОҲИДА СУДЛОВ

Юртимизда рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш эҳтиёжлари соҳага инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, инвесторларнинг манфаатларини муҳофаза этиш мақсадида янги судлов тизими — Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов ташкил қилинмоқда. Судлов таркибига инвестиция киритилган санада йигирма миллион АҚШ долларини эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш ваколати берилади.

Янги тартибга кўра, инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторларнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевоСИТА Судлов таркиби томонидан биринчи инстанция суди сифатида ёки қолган инвестициявий низолар инвесторларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри суди томонидан биринчи

инстанция суди сифатида кўрилиши мумкин.

Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг фақат қонунга бўйсунган ҳолда иш юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш масаласига ҳам алоҳида урғу берилди. Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 30 июнида одил судловни таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказган видеоселектор йиғилишида “судларнинг фаолиятига тўсқинлик қилгани ва адолатсиз қарор чиқаришга мажбурлагани учун жавобгарликни кучайтириш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқирилиши” билдирди.

Ислохотларнинг янги босқичида судлар чиқараётган қарорлар фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиши лозим. Айрим судьялар тергов материалларига боғланиб қолаётгани қонун, суд ва давлат обрўсига путур етказиши мумкин. Одил судлов халқнинг кўз ўнгиде, очиқ-ошкора амалга оширилиб, адолат қарор топса, унинг таъсири самарали бўлади.

АДВОКАТЛАРНИ ЭЛЕКТРОН ТАНЛАШ ТИЗИМИ ИШГА ТУШИРИЛАДИ

Одил судловнинг ажралмас қисми адвокатра бўлиб, ушбу институтнинг адолат қарор топишидаги ўрни бекиёс. Ўзбекистонда бугун 4 минг атрофида адвокат фаолият кўрсатиб, ўртача 8,5 минг аҳолига битта шундай мутахассис тўғри келмоқда. Адвокатларнинг 43 фоизи Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатса, вилоятларнинг 20 та туманида адвокат ҳам адвокатлик фирмаси рўйхатдан ўтмаган.

Давлат томонидан жорий этилган адвокат танлашнинг очиқ-ошкора тартиби йўқлиги боис, айрим терговчилар ўзига таниш адвокатларни қақриб, айбланувчига таъсир ўтказиш ҳоллари учраб туради. Масалан, Тошкент шаҳрида давлат томонидан адвокатларга ўтган йили 7 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, ушбу маблағнинг тенг ярми 20 та адвокатлик фирмасига берилган (жами 746 та шундай фирма мавжуд).

Шу сабабли видеоселектор йиғилишида тегишли вазирликларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни электрон танлаш тизимини ишга тушириш топшириғи

берилди. Бу дастлаб пойтахтимизда эксперимент тариқасида жорий этилади. Сўнгра бутун мамлакат бўйлаб қўлланилади.

СУДЬЯЛАРНИНГ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Одил судловга эришишнинг омилларидан бири судьялар корпусини ҳар томонлама муносиб, етарлича билим ва тажрибага эга, мустақил қарор қабул қилиш салоҳияти бор бўлган судьялар билан таъминлашдир. Айни вақтда ҳар бир судьядан ўз хизмат вазифасига юксак маънавий эътиқод ва масъулият билан ёндашиш талаб этилади. Бунинг учун суд ҳокимиятини амалга оширувчи шахсларга юқори ҳуқуқий маданият мезонларини, зарур касбий малака ва маҳоратни сингдириш лозим. Фикримизча, судловни амалга оширишда судьялардан қатъиятlilik ва вазминлик, хотиржамлик ва совуққонлик, ўзига ҳурмат, эҳтиёткорлик, ҳушёрлик ва тавозе, эҳтиросга берилмаслик ва жиизаки бўлмаслик, вазиятга баҳо беришда сермулоҳазалилик каби фазилатлар талаб этилади.

Фуқароларнинг айбсизлик презумпцияси принципини судлов жараёнида қатъий таъминлаш судьянинг чуқур ахлоқи ва юксак ҳуқуқий маданиятга узвий боғлиқ. Суднинг кичик бўлса-да, ҳар қандай хатоси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги баҳоси баробарида зарар етказади. Алишер Навоий ўз асарларида ёзганидек: “Қози мусулмонларнинг яхши ва ёмон ишлари юзасидан ҳукм қиларувчидир... Қозининг маҳкамаси шариат илмининг хазинаси бўлмоғи: у ҳукм вақтида ошнога ҳам, бегонага ҳам бир савияда қарамоғи лозим... Қози қонун йўлидан бир қадам ҳам тоймаслиғи — тўғри йўлдан чиқмаслиғи лозим... Модомики, ҳукм элнинг моли ва жонига тааллуқли экан, қозининг шiori тўғрилиқ ва адолат бўлмоғи лозим”.

Навоийнинг ушбу боқий сўзлари ҳозир ҳам долзарб жаранглайди. У гўёки беш ярим аср аввал хитоб қилиб, айни бугун судьялик мартабасида турган ҳамюртларимизга панду насиҳат қилгандай. Ҳазратнинг бу қаломлари ҳозирги судьялар учун ибрат мактаби бўлмоғи лозим.

Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг фақат қонунга бўйсунган ҳолда иш юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш масаласига ҳам алоҳида урғу берилди. Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 30 июнида одил судловни таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказган видеоселектор йиғилишида “судларнинг фаолиятига тўсқинлик қилгани ва адолатсиз қарор чиқаришга мажбурлагани учун жавобгарликни кучайтириш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқирилиши” билдирди.



ОНА ТИЛИМИЗ НУФУЗИ ВА МАВҚЕИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА ҲАЛИ КЎП ИШЛАР ҚИЛИШИМИЗ ЛОЗИМ



Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти мудир, профессор

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар жараёнида маънавий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ҳақда гапирганда биргина она тилимизга бўлаётган эътибор ва унинг том маънода давлат тили сифатидаги мавқеини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ишларни эслашнинг ўзи кифоя.

Ўтган йили “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинганининг 30 йиллиги илк бор мамлакат миқёсида кенг нишонлангани ва ушбу санага бағишланган тантанали тадбир пойтахтимиздаги энг мухташам бинода ўтказилгани, унда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг тилимиз ривожини ва таррақиёти йўлида қилиниши лозим бўлган устувор вазифаларни белгилаб берган маърузаси ва шу кун “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеи ва нуфузини тубдан оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги тарихий фармон эълон қилингани фикримизнинг ёрқин исботидир.

Мазкур фармонда она тилимиз ривожини ва таррақиёти бўйича амалга оширилиши лозим бўлган барча ишлар аниқ-тиниқ белгилаб берилди. Жумладан, қайд этилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди ва у бугунги кунда мазкур ҳужжатда белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси доирасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўналишида Ўзбекистон Президентининг фармони ва қарори, давлат тилини ривожлантиришга қаратилган 1 та қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 9 та қарори қабул қилинди. “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун билан 21 октябрь — Ўзбек тили байрами кун

этиб белгиланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги қарори билан Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги низоми тасдиқланди. Департамент биллими ва юқори малакали ходимлар, ўзбек тилининг чин фидойиси бўлган мутахассислар билан тўлдирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги “Мамлакатда давлат тилида иш юритишнинг самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 300 дан ортиқ давлат органи ва ҳўжалик бирлашмаси раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Хукуматнинг 2020 йил 29 январдаги қарори билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атамалар комиссияси ташкил этилди. Комиссия тарихига давлат ва жамоат арбоблари, кўзга кўринган илм-фан намонадилари, филолог, иқтисодчи, тарихчи, техник ва бошқа соҳаларнинг 49 нафар вакили киритилди ва мазкур комиссия жамоатчилик асосида фаолият бошлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 февралдаги қарори асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбек тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилиб, унинг васийлик кенгаши аъзолари, тузилмаси ва низоми тасдиқланди. Жамғарма таркиби тўлиқ шакллантирилди.

Хукуматнинг 2020 йил 3 мартдаги қарори асосида Алишер Навоий номдаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузурида Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда унинг Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказларида жами 13 та филиали ташкил этилди.

Хозирги кунга қадар мазкур марказда давлат бошқаруви органларининг 300 дан ортиқ ходими давлат тили борасидаги малакасини оширди. Шунингдек, юртимиздаги барча олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ташкил этилди.

Ўзбек тилини тарғиб қилиш ҳамда ўзбек тилшунослиги соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида 2020 йил 11 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор билан Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклорини институти тузилмасида қўшимча 5 та штат бирлигидан иборат социолингвистика бўлими ташкил этилди.

Ешлар, жумладан, талабалар ва ўқувчилар ўртасида улуг мутафаккирларимиз ва атоқли адибларимиз ижодий меросини кенг тарғиб қилиш, ёш авлоднинг адабиётга қизиқишини янада ошириш, рағбатлантириш мақсадида 2020 йил 24 августда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

2020 йил 24 августда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг “Илҳом” мукофоти таъсис этиш тўғрисида”ги қарори олий таълим муассасаларида шoir-ёзувчилар ҳаёти ва ижодини чўқур ўрганишни самарали ташкил этиш, ёшларнинг адабиётга қизиқишини янада ошириш, уларни китоб ўқиш ва тилимиз ривожига хизмат қилишга даъват этиш ҳамда шу асосда уларнинг қалбига ватанпарварлик туйғуларини янада юксалтириш каби эзгу мақсадларга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонунини лойиҳасининг янги таҳрири ҳамда ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сибсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони лойиҳаси ҳам тайёрланди.

Ташкилий ва амалий чора-тадбирларни кўриш йўналишида:

Жорий йил 22 август кун

“Давлатимиз раҳбари муостақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанادا сўзлаган маърузасида шундай деди: “Миллий давлатчилигимиз ва ўзлигимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади. Худо хоҳласа, бу йил 21 октябрь – Ўзбек тили байрами кунини бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаймиз”.



қонун ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масалалар кўриб чиқилди.

Географик объектлар номлари соҳасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашларининг тегишли қарорлари билан тасдиқланган 15 062 та географик объект номи экспертизадан ўтказилиб, уларнинг 7 745 таси давлат реестри базасига киритилди. 3 366 таси қонун ҳужжатлари талабларига номувофиқ деб топилди, ҳудудий комиссияларга қайтарилди. Хозирги кунда 3 951 та ном экспертлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Департамент ташаббуси билан Давргеодезкадастр қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлар базаси билан бирлаштирилиб, географик объектларнинг

жойлашган жойи, номи тўғрисида маълумот берувчи, фойдаланувчилар учун қўлай, ном бўйича ўз тақлиф ва тавсиясини жойлаштириш имконияти мавжуд бўлган “geonames.uz” (<http://geonames.uz/>) ҳавола

си орқали “Географик объектлар номлари давлат реестри”нинг ахборот веб-портали ишга туширилди. Департамент ходимлари томонидан юртимизнинг барча ҳудудларида “Давлат тили ҳақида”, “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” ва “Реклама тўғрисида”ги қонунлар ижроси ўрганилди. Натижада, Тошкент шаҳридаги ташқи реклама

ларнинг 17 фоизи давлат тилида, 83 фоизи аралаш тилларда экани аниқланди. Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабига зид, реклама қонунчилигига мос бўлмаган икки мингдан ортиқ пешлаваҳа олиб ташлаишига эришилди. Бундан ташқари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Астрономия, Зоология институтлари, Давлат божхона қўмитаси ва Олий аттестация комиссияси ҳамда Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликларида давлат тилига риоя этиш ҳолати мақсадли ўрганилди, тегишли тартибда ахборот берилди. Шу билан бирга, 300 дан ортиқ давлат органи ва ҳўжалик бирлашмаларида раҳбарнинг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси тайинланишига эришилди.

Пандемия шароитида жамоатчиликка тезкор маълумотлар бериб турган “Коронавирус-инфо” телеграм канали техник ва ижодий гуруҳига матндаги хатоликларни электрон аниқлаб, тузатиб берадиган “Юрида-Орфо” дастури ўрнатиб берилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, департамент томонидан давлатимиз раҳбарининг Тошкент шаҳрида ташкил этилган Адиблар хиебонига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва ўтказилган мажлис баёни бандларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва назоратга олинди.

Илмий фаолиятни мувофиқлаштириш йўналишида:

Департамент ташаббуси билан 3 минг нусхада “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (5 жилда) ва 3 минг нусхада “Давлат тилида иш юритиш” қўлланмалари нашр қилиниб, тақдимотлари ўтказилди ва мазкур китоблар вазирлик ва идораларга, таълим муассасаларига бепул тарқатиб берилди.

Давлатимиз раҳбари муостақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанада сўзлаган маърузасида шундай деди: “Миллий давлатчилигимиз ва ўзлигимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади. Худо хоҳласа, бу йил 21 октябрь – Ўзбек тили байрами кунини бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаймиз”.

Хозирги кунда “Халқро термин элементларнинг изоҳли-кўргазмали луғати”, “Ижтимоий-сиёсий терминларнинг изоҳли луғати”, “Терминларнинг таржима луғатлари”, “Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг мукаммал энциклопедияси”, “Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли луғати”, “Ўзбек тили фразеологизмларининг катта изоҳли луғати”, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Ўзбек адабиёти хазинасидан”, “Ўзбек халқ шевалари” каби илмий-амалий асарлари устида иш олиб борилмоқда.

Халқро ҳамкорлик йўналишида: Департамент томонидан Ташқи ишлар вазирлиги орқали хориждаги 36 та элчихона ва консулхоналарга ўзбек тили дарсликлари, методик қўлланмалар, илмий ва бадий китоблар, жами 250 номдаги адабиёт электрон кўринишда тарқатилди. Шунингдек, АҚШ, Туркия, Озарбайжон,

Украина сингари давлатларда ўзбек тилининг жозибаси ва уни ўрганиш услубларига бағишланган 10 га яқин семинар (онлайн семинар) ўтказилди.

Тарғибот ва ташвиқот йўналишида: Департаментнинг til.gov.uz веб-сайти ишга туширилди ва унга тилшунос-мутахассисларнинг соҳага оид 100 дан ортиқ материали жойлаштирилди. “Фейсбук” ижтимоий тармоғида департаментнинг расмий саҳифаси очилди. Қисқа вақт ичида саҳифага 3500 га яқин обуначи аъзо бўлди. Бундан ташқари, департамент ҳамкорлигида “Фейсбук” ижтимоий тармоғида термин ва атамаларнинг электрон манбаини тўплашга қаратилган “Ўзбекчаси борку!” онлайн канали йўлга қўйилди. Бугунги кунда ушбу канал 2 мингдан зиёд фойдаланувчисига эга. “Telegram” мобил месенжерига ҳам расмий тарғибот канали йўлга қўйилди ва унга ҳозирга қадар 1500 га яқин фойдаланувчи аъзо бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси муассислигидаги “Янги Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий газетасида департамент ташаббуси билан “Тил — миллат ғурури” номли янги рух ташкил этилди ва унда давлат тили билан богик маколалар департамент ходимлари, жойлардаги маслаҳатчилар томонидан мунтазам равишда чоп этиб борилмоқда. Шунингдек, ОАВда давлат тили бўйича тарғибот қилинаётган материалларни доимий равишда мониторинг қилиш тизими йўлга қўйилди. Натижада, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан оширишга қаратилган ислохотлар самарадорлиги бўйича ОАВ ва интернет тармоғида жами 505 та материал эълон қилинди.

Умуман, она тилимиз ривожини ва таррақиёти йўлидаги ишлар тизимли олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари муостақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанада сўзлаган маърузасида шундай деди: “Миллий давлатчилигимиз ва ўзлигимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади. Худо хоҳласа, бу йил 21 октябрь — Ўзбек тили байрами кунини бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаймиз”.

Ҳа мазкур байрамни муносиб нишонлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Департамент томонидан байрам муносабати билан “Қадринг баланд бўлсин, она тилим!” маърузида мамлакат миқёсида, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида “Ўзбек тили бўйича энг яхши видеодарс”, Олий ўқув юртларида фаолият кўрсатиб келаётган профессор-ўқувчилар ўртасида эса “Ўзбек тилини ўқитишнинг энг яхши методикаси” бўйича, Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги академик лицей ўқувчилари ўртасида энг яхши иншолар кўрик-танловлари ўтказилди. Шунингдек, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда тилимиз ривожига қаратилган тўртта йўналиш бўйича грант эълон қилинди. Мазкур танловлар ғолиблари кунини кеча тилимиз байрами арафасида аниқланди ва танлов ғолибларига мукофотлар тантанали равишда топширилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “Қадринг баланд бўлсин, она тилим!” кўрик-танловиди 1750 нафар тилимиз фидойилари иштирок этди. Аҳамиятлиси, танловга АҚШ (2 та), Франция (1 та), Россия (5 та), Жанубий Корея (3 та), Хитой (8 та), Туркия (11 та), Эрон (3 та), Озарбайжон (6 та), Қозғистон (12 та), Қирғизистон (4 та) ва Тожикистон (14 та) каби давлатлардан ижодий ишлар келиб тушди ва шу сабабли унга “халқро танлов” мақоми берилди.

Байрам арафасида пойтахтимиздаги мухташам Миллий академик театр биносидида мазкур танловнинг ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди, Ҳар бир йўналиш бўйича ғолибларга қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари тантанали тарзда топширилди.

Мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган барча ишлар бой ва қадимий тилимиз нуфузини оширишга, унинг нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам улғулашга, нуфузини оширишга қаратилган.

Муқаддас бурч масъулияти

Мансур ЭШОВ, Тошкент давлат иқтисодий университети проректори

Ўз даврида Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Фарғоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари буюк сиймоларни етиштирган халқ тили бизларни жаҳонга танитди.



Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани мамлакатимиз, юртдошларимиз ҳаётидаги унутилмас, тарихий воқеага айланди. 21 октябрь тилимизнинг қайта тугилган кунидир. Шу кундан тилимиз равнаки, унинг нуфузи ва барҳаётлигини таъминлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган, десак асло муболоға бўлмайди.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбек тилида қилган тарихий нуқти нафақат мамлакатимизнинг, балки ўзбек тилининг халқро ҳамжамиатдаги нуфузи ва обрў-эътиборини янги поғонага кўтаргани билан фойат қимматли бўлди. Аниқроқ айтганда бўлсак, ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқро миқёсдаги обрў-эътибори янада ортди.

Миллатларни ажратиб турувчи асосий белгилардан бири тил экан, ҳар бир инсон ўз тилини билиши, уни улғулаши, шу билан бирга, бошқа миллатлар тилига ҳам ҳурмат билан қараши лозим. Шундагина тилнинг, миллатнинг қадри ва обрўини, нуфузи ошади. Тил тарихини, унинг меъёрий нуқтаи назардан шаклланиш жараёнини, ривожланишини миллат тарихидан айри ҳолда ўрганиб бўлмайди.

Юртимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатида амал қилинишининг ҳуқуқий асослари қонунан белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонунини уч тамойилга — умумийлик, мажбурийлик ва ҳуқуқий қаролатга асосланади. Дарҳақиқат, давлат тилининг мустаҳкам ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилгани тилимизнинг бой имкониятларидан кенг фойдаланишга етарлича замин яратиб, мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши баробарида ўзбек тилининг эркин муомалада бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди.

2019 йил 21 октябрь кун

Дунёда таниқли мамлакат бўлиш учун биз давлат тилининг мақоми кўтаришга эришишимиз шарт. Ривожланган давлатлар даражасига чиқиш ва рақобатдош бўлиш учун Ўзбекистон фуқаролари халқро тилларини билиши муҳим, албатта. Чунки биз глобал ривожланиш тенденцияларидан орқада қола олмаймиз, лексин шуни унутмаслик кераки, ўзбек тили дунёдаги барча расмий тиллар қатори суверен тил мақомига олган экан, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси давлат тилини мукаммал билиши шарт. Ҳеч ким ҳеч қачон ўз она тилига бўлган ҳурматни йўқотмаслиги керак. Тилга ҳурмат — бу халқга ҳурмат. Тилнинг эгаси халқ, аммо халқнинг битта вакили лоқайд бўлса ҳам миллий тил софлигига путур етди. Тил давлат тимсоли, мулки ҳисобланади. Тил маданиятига амал қилинмаса, миллий маданиятга доғ тушади. Шу сабабли бу улкан ҳодисанинг туб моҳиятини келажақ авлод онгига синдириш, она тилига бўлган муҳаббат ва садоқатини янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар қўламини йил сайин кенгайиб бормоқда. Бинобарин, ўзини ўзбек миллатининг фарзандимиз, деб билган ҳар бир шахс она тилимизга эътиборли бўлиши, унинг софлигини асраб-авайлашни муқаддас бурчи деб билиши лозим.

Тилимизни эъзозлаш, унинг давлат тили сифатидаги мақоми, жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ёш авлодини она тилига ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳақида долзарб бўлиб қолади. Ўзбек тилининг халқро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўиш ҳар биримиздан миллий тилга чўқур ҳурмат билан ёндашишни талаб этади. Зеро, тил бор экан миллат барҳаётдир.

Биз дунёнинг қайси юртида бўлишимиздан қатъи назар, бетакор она тилимиз борлигидан фархланимиз. Шундай экан, тилимизни севиб, унинг ривожланиши учун сидқидилдан тинимсиз ҳаракат қилишимиз керак. Зеро, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур авлодлари сифатида уларнинг бой меросларини асраб-авайлаб, кейинги авлодларга етказиш муҳим вазифамиз сифатида юксак масъулият юклайди.

Ўзбек тили байрами арафасида Франция олий ўқув юртларига мумтоз адабиётимиз намуналари ва “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” тақдим этилди

Мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси томонидан Ўзбек тили байрами кuni арафасида ушбу мамлакатнинг қатор олий ўқув юртларига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” тақдим этилди. Ўзбекистоннинг тарихи ва маданиятини, жумладан, она тилимизни хорижликлар орасида кенг тарғиб қилиш маданий дипломатиямизнинг устувор мақсадларидан саналади.

Шу боис, ўтган икки йил ичида элчихона саъй-ҳаракати билан Париж шаҳрида жойлашган Шарқ тиллари ва цивилизациялари миллий институтининг кутубхонасига 300 дан зиёд ўзбек тилидаги адабиётлар тухфа этилди.

Мазкур кутубхона раҳбариятига яқинда чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луға-

ти”, мамлакатимиз тарихи, ташқи сиёсати-га бағишланган ва бадий адабиёт намуналаридан иборат 20 дан ортиқ китоб тақдим этилди.

Ушбу зиё масканида сўнгги йилларда Ўзбекистон томонидан тақдим этилган китоблар учун алоҳида бўлим ташкил этилган.

Эътиборлиси шундаки, кутубхонада мамлакатимиз тарихига оид мерос — XV асрда чоп этилган буюк олим Мирзо Улуғбекнинг “Зижи ҳадиди Қўрагоний”, буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” ва Ибн Арабшоҳнинг “Зафарнома”сининг ноёб асл нусхаси сақланади.

Айтиб ўтиш керакки, 2018 йилдан бошлаб Шарқ тиллари ва цивилизациялари миллий институтида ўзбек тили курслари йўлга қўйилган. Ушбу даргоҳнинг ўқитувчи ва олимлари она тилимиз тарихи билан боғлиқ илмий изланишлар олиб бормоқда. Бир гуруҳ талабалар юртимизга малака ошириш учун келган.



Бенжамин ГИШАР, Шарқ тиллари ва цивилизациялари миллий институт кутубхонаси илмий ишлар бўйича директори:

— Шарқ тиллари ва цивилизациялари миллий институтининг кутубхонаси Францияда Марказий Осиё мамлакатлари ва туркий тилли халқларга тегишли бўлган адабиётлар сақланадиган энг йирик университет кутубхонасидир. Ўзбекистонга бағишланган бўлимнинг ташкил этилишига бир қанча сабаблар бор. Аввало, Ўзбекистон Осиё цивилизацияси ривожига катта аҳамиятга эга давлат. Бундан ташқари, француз олимлари XVIII асрдан буён Ўзбекистоннинг тарихи ва маданиятини тадқиқ этиб келади. Улар чигатой, туркий ва форс тилларида Самарқанд ва Темурийлар сулоласи тарихини, буюк шоир Алишер Навоий меросини ўрганмоқда.

Ўзбекистон ҳукуматининг доимий қўллаб-қувватлаши туфайли кутубхонамизда юртингизга оид улкан адабиётлар коллекциясини ярата олдик. Бугун биз Ўзбек тили байрами кuni муносабати билан яқинда нашр этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ва қўллаб китобларни қабул қилиб олдик. Бу китоблар институтимиз талабалари, ўқитувчи ва профессорларига жуда фойдали бўлади ва ўзбек тили бўйича билим ва сўз бойликлари янада ошишига хизмат қилишига ишонамиз.



— Камина Францияда эски ўзбек тилининг ил-

Марк ТУТАН, Франция миллий тадқиқотлар маркази катта илмий ходими, навоийшунос:

мий-ижодий меросига оид изланишлар олиб бораман. Тил миллат тарихи ва ҳаёти кўзгусидир. Мутафаккир Алишер Навоий айтганидек, “Кўнгил маҳзанининг қулфи тил ва ул маҳзаннинг калитин сўз бил”.

Эски ўзбек тилида яратилган асарлар — бебаҳо дурдоналардир. Агар Али-

шер Навоий ғазал мулкнинг султони бўлса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарлари билан ўзбек тили ривожига юксалишига муносиб ҳисса қўшган. Навоий ва Бобур тили бебаҳодир. 21 октябрь — Ўзбек тили байрами кuni билан ўзбек халқини табриклайман.



ТИЛ МИЛЛАТ ТАРИХИ ВА ҲАЁТИ КЎЗГУСИДИР. МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОЙИ АЙТГАНИДЕК, “КЎНГИЛ МАҲЗАНИНИНГ ҚУЛФИ ТИЛ ВА УЛ МАҲЗАННИНГ КАЛИТИН СЎЗ БИЛ”.

Жан ДЮРИН, Франция миллий тадқиқотлар маркази профессори, муסיқашунос олим:



Санжар ХЎЖАЕВ, Францияда истиқомат қилаётган ватандош:



—1987 йилдан бери Ўзбекистоннинг муслик меросига қизиқаман. Юртингизда бўлганимда бу мерос қанчалик бой эканига амин бўлдим. Бахшичилик ва мақом йўналишлари — бу жуда катта маданий бойлик.

Ўзбекистонда 4 йил истиқомат қилиб ўзбек тилини ўрганишга муяссар бўлдим. Айтиш жоизки, сўнгги

йилларда французларнинг ўзбек тилига қизиқиши ортиб бормоқда. Луғатларнинг яратилиши ва ўзбек тилини ўрганаётган тадқиқотчиларнинг қўлаётгани бунга ёрқин мисолдир.

21 октябрь — Ўзбек тили байрами кuni халқаро даражада нишонланиши мамлакатингиз раҳбарияти томонидан ўзбек тилига бўлган эътибор нақадар юқорилигини билдиради. Мен ўзбек тилининг янада ривожланиши тарафдориман.

“Дунё” АА

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ЎЗАГИ

Нодир МАХМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ўзбек тили байрами кuni муносабати билан жойларда она тили ривожига, уни ёшлар орасида тарғиб қилиш мақсадида маърифий тадбирлар, илмий анжуманлар ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бўлиб ўтди.



деб эълон қилиниши муҳим тарихий воқеа бўлди, — деди Шўҳрат Ёвқочев.

Конференцияда “Ўзбек тили тарихида “нутқ” ва “ғезма адабий тил” тушунчаларининг ифодаланиши”, “Ўзбек лингвистикасининг долзарб масалалари”, “Алишер Навоийнинг ўзбек тилидаги бадий адабиёт учун ҳаракатлари”, “Ўзбек ва турк тилларидаги -ган/мис шакли феъллар”, “Истиқлол йилларида сўз талқини масалалари” ва бошқа долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

Уларда она тилимиз имкониятларидан унумли фойдаланиш,

унинг бой тил эканини тарғиб қилиш зарурлиги таъкидланди. Зеро, тил бор экан, миллат барҳаётдир. Миллатнинг тараққий этиши, дунё саноҳасида ривож топишида ҳам айнан она тили муҳим роль ўйнайди.

Анжуманда она тилимиз софлигини асраш, унинг ривожига йўлишда саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш, кенг имкониятлардан фойдаланиш лозимлиги эътироф этилди. Бу борада ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда илмий-амалий анжуманларни мунтазам ўтказишга келишиб олинди. Тақдим этилган маърузалар алоҳида тўплам ҳолида чоп этилади.

“Гуҳари шариф” қайғуси

Нодир РАМАЗОНОВ, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, Насиба БОЗОРОВА, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси, филология фанлари номзоди

Тилга азал-азалдан инсониятнинг энг буюк кашфиёти сифатида қаралган. Қайсидир соҳада янги кашфиёт қилинса, аввало, шу кашфиёт тил сатҳида намоён бўлади. Кейинги жараёнда, яъни унинг оммалашиши, яшаши ёхуд инквизиция ҳам тил воситасида англаймиз.

Шарқ мумтоз мутафаккир шоирлари, жумладан, Алишер Навоий тушунчасидаги инсон учун тил ва нутқ инсонийликнинг бош белгисидир. “У асл инсон ҳақида гапирар экан, “Чу бўлди нутқ ила мумтоз барча ҳайвондин” (тили туфайли инсон ҳайвондан ажралди, ҳайвондан инсонни нутқи ажратиб туради), дейди. Ёки сўз, унинг тилга “гуҳари шариф” дея таъриф бериш билан маънавий ҳаётнинг ҳақиқатини ҳам инсонийлик ва ҳайвонийлик ўртасидаги чегара тил билан алоқадорликда талқин этилади:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,

Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Тил — ижтимоий ҳодиса, жамият билан тенгдош ва ёндаш. Тил ва жамият — эт ва тирноқдек, уларни ажратиб бўлмайди. Кишилик жамияти ҳақида сўз юритилганда, аввало, тил ҳаёлини банд этади. Ҳар қандай жамиятнинг руҳи, қизиқишу интилишлари, яшаш тарзи, анъана ва одати — барча ҳолат ва жараёнлар тил (ахборот) орқали етказилади, қабул қилинади.

Тилинг мазмуни, шакли, сифати, микдори, яшаши, қўлланилишига қараб даврга баҳо берилади. Тараққиётнинг ҳам, таназзулнинг ҳам ягона кўрсаткичи — тил. Тил барча билимларнинг калити.

Жалолитдин Румий ҳазратлари ёзганларидек: **Сен сари келганда сўз — баҳри латиф, Ангелагай сенким, ўшал денгаз — шариф.** Сўз, тил шариф денгиз хабарини беради. Сўз воситасида олам синоати ечилади. Тафаккур ва тасаввур қудрати, кучини ҳам сўз ҳал этади. Инсонга улуғлик, шарифлик макomini ҳам юксак сўз ҳадя этади. Шу боис, буюклар доимо тилни улуғлашган.

Ҳўш, техника ва технология, сунъий интеллект ривожланган бугунги кундаги тилимизнинг аҳволи қандай? Турли “гажет”ларга тили чиқмаёқ боғланиб қолаётган болаларимиз қалбиди қандай қилиб сўз руҳини тириштириш мумкин? Қандай қилсак ўқувчиларимиз сўздан ҳайрат туяди, мурғак қалбиди сўз завқи уйғонади?

Наҳотки она тилимизнинг гўзаллиги, оҳори китоблар қатида қолиб кетаверса? Бугун ёшларимиз кундалик ишлатиладиган сўзлар билан чегараланиб, ундан нарига ўтолмай, чет сўзларни нутқиди кўп қўлайверишининг оқибатлари қандай бўлишини тасаввур қилишимиз керак. Она тилимизнинг софлиги, тарихий-маданий қийматини ошириш, бойитиш, юксалтириш борасида аниқ вазифаларни белгилаб



Алибек ЭРГАШЕВ, Наманган вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиги вазифасини бажарувчи

Дунёда 7 мингдан зиёд тил бўлса, фақатгина 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга. Улар орасида ўзбек тилининг ҳам борлиги, албатта, барчамизни фохрлантиради. Бугун жаҳонда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони 50 миллион кишига яқинлашиб қолди. Она тилимизга қизиққан ва уни иштиёқ билан ўрганаётганлар сафи эса тобора кенгайиб бораётгани эътиборга молик.

Ўзбек тилининг халқаро макomini юксалтириш ва жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини ошириш кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Тилимизнинг софлиги, бойлиги ва борлиги миллатимизнинг бебаҳо миллий ифтихоридир.

Тарихга назар ташласак, тилимизда халқимизнинг асрлар оша яшаб келаётган қадриятлари, урф-одатлари ва руҳияти ўз ифодасини топпанини кўрамиз. Ноёб обидалар, афсона ва битиклар, қаҳрамонлик эпослари, дostonу ғазаллар шундан далolat. Беихтиёр она тилимиз бизга ажодларимиз томонидан қолдирилган бебаҳо ҳазина, бойлик эканига иймон келтирамиз.

Аслида ўзбек тили ер юзидаги энг қадимий ва бой тиллардан бирidir. Тилимизнинг ўзақ тарихи эраимиздан олдинги даврларга бориб тақалади. Бу тилда қадимдан энг сара илмий ва бадий асарлар яратилиб, улар дунё цивилизациясида ўзининг беқиёс ўрнига эга. Демакки, ажодларимизнинг бебаҳо маънавий бойликларига йўл она тилимиз орқали боради. Жўмладан, Маҳмуд Қошғарий она тилимизнинг беҳисоб имкониятларини ҳаётий мисоллар,

Гавҳар тўла ганжина

халқ озаки ижодининг ажойиб дурдоналари орқали илмий жиҳатдан исботлаб берган. Юсуф Хос Ҳожиб эса бу тилда илк бадий дoston — “Қутадғу билиг” асарини яратди. Ҳазрат Алишер Навоий туркий тилда буюк “Хамса” асарини ёзиб, она тилимизнинг бадий имкониятлари нақадар юксак эканини намоён этди. “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида эса форсий ва туркий тилни қиёслаб, туркий тилининг ҳам нақадар бой тил эканини исботлаб берди.

Аслида-ку ўзбек тили ҳақидаги барча фикрлар ҳазрат Алишер Навоийдан бошланади. Ҳаммамиз севиб ўқийдиган, ҳаяжон билан тилгайилган “Муножот” ғазалида бундай феъллар бор:

Қаро кўзум келу мардумлуғ эмди фан қилгул,
Кўзум қаросида мардум кеби ватан қилгул...

Ғазалга алоҳида бир кўрк бағишлаган “қаро кўзум” сўзи қарийб олти асрдан буён ашаб, шоир билан бизни боғловчи бир қатим олтин риштадир. Биз ҳам фарзандларимизни “қаро кўзум” дея эъзозлаймиз. Ҳатто миллатимизга нисбатан ҳам бу сўзни ишлатамиз. Шунча гурурга сабаб бўлган бу сўз бугунги замонга етиб келиши учун қанча одамларнинг меҳнати сингди экан?! Бу гўзал сўзларни авлодларимизга етказиш энди бизнинг зиммамиздаги вазифа, ҳар қандай вазифа юкини фақат ўша соҳа кишилари эмас, ҳамма баравар ҳис қилса, ҳамма баравар кўтаришса, шундагина у кўнгилдагидай адо этилади.

Уни миллий ғоя, мафкура ва тафаккурнинг жонли мужассами, десак янглишмаймиз. 1989 йилнинг 21 октябрь кuni она тилимизга давлат тили мақоми берилган. 1992 йил 7 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланиб, мустаҳкамлаб қўйилди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланган.

Президентимиз 2019 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқиди она тилимизнинг мақоми янада юксалтириш борасида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларни янги ўзанда давом эттириш йўлини аниқ кўрсатиб берди. Ўз навбати-

амалга оширмасак, замон шиддати тилимизнинг “шираси”ни олиб қўйиши аниқ.

Бу борада ҳар биримиз тил жонқуяри бўлишимиз, тил билан боғлиқ муаммоларга, гарчи у кичик, арзимас тўюлса ҳам, жиддий муносабатда бўлишимиз лозим. Биз, катта авлод, ўсиб келаётган ёшлар қалбиди она тилимизга муҳаббат уруғини экмасак, эртага уларнинг юраги МИЛЛАТ, ВАТАН, ЮРТ, ЎЗЛИК мевасини тўймайди.

Она тилимизнинг истиқболи ҳақида бош қотирганда бошқа катта масалалар қатори қуйидаги вазифаларни ҳам ҳал қилиш муҳимдек тўюлади.

Биринчидан, мунтазам равишда туркий сўзлар, ўзбек халқ мақоллари, иборалари изоҳи узлуксиз бериб бориладиган интернет майдонини (сайт ёки платформа) ташкил этиш. Иккинчидан, тилимиздаги кичик, аммо ҳал қилинмаган муаммолар ва уларнинг ечими руқини ташкил этиш.

Учинчидан, болалар учун ўзбек тилидаги сўзлар маъносини ўргатишга қаратилган уйин дастурлари (мобил) яратиш учун танлов эълон қилиш (чунки бугун барча болалар тил чикмасдан телефон билан тиллашмоқда).

Жўмладан, ўзбек адабий эрталари асосидаги анимацион фильмларни кўпайтириш ва уларни кўпроқ эфирга узатишни йўлга қўйишни ҳамда сўзлар имлоси, саводхонликка йўналтирилган турли тилдаги топшириқ, тестларни ўз ичига олган телеграм канал ташкил этиш мақсада мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Бинобарин, мактаб ўқувчиларини ўзбек тили шевалари билан таништириш мақсадида шеваларнинг мавзулаштирилган луғатларини тузиш ва жонли ўзбек тилининг сўз бойлигини шевалар мисолида кўрсатиш йўлларини ҳам излаш жоиз, назаримизда.

да, шу кuni қабул қилинган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тўдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонда бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир, дея бениҳоя ўринли таъкидланган.

Фармонга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилган ва бу департамент самарали фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда Атамалар комиссияси ташкил қилинган, 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури ишлаб чиқилган. Шунингдек, Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси таъсис қилинган ва шу кунга қадар мазкур жамғарма маблаг ҳисобидан беш йилли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Давлат тилида иш юритиш” ва бошқа бир қанча китоблар нашр этилди. Ҳозирги пайтда “Давлат тили ҳақида”ги қонунни такомиллаштириш, унинг янги таҳририни тайёрлаш юзасидан иш олиб боришмоқда. 21 октябрь — Ўзбек тили байрами кuni деб эълон қилинган.

Шу ўринда айтиш лозимки, ҳозирги глобаллашув жараёнида ўзбек тилининг мавқеини янада ошириш, дунё тиллар тизимидаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги чиқиши, юксак минбарда туриб ўзбек тилида маъруза қилиши она тилимизга давлат тили мақоми берилганининг 31 йиллигига муносиб тўхфа бўлибгина қолмай, тилимизга давлат даражасида эътибор қаратилаётганининг ҳам далolat бўлди.

Ушбу қўтлуғ санага тайёрларлик бўсағасида АҚШда ўзбек тилида дарс ўтувчи мактаб очилгани ҳақидаги хушхабар ҳам фикримиз тасдиғидир.

Ўз тилини унутган халқ тарих саҳнасида унуттилади. Эзгу фазилатлар инсон қалбига она аллоси, она тили орқали сингади. Она тили — миллат руҳи. Она тили — гавҳар тўла ганжина. Ҳар сўзи доно гавҳардай севиб, авайлаб-асраш эса ҳам ғуқаролик, ҳам инсоний бурчимиздир.



Кўзгудаги тарих

Абдулла Авлоний (1878-1934) XIX аср охири — XX аср бошидаги ўзбек адабиётининг машҳур вакилларидаан бири, маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбобидир. У 30 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ижод қилган. 1916 йилги мардикорлик воқеаларининг, сўнг инқилобий талатўплару миллий-озодлик курашларининг гувоҳи бўлди. Ўтган давр ичйда, ўзи таъкидлаганидек, “ўнлаб шеър ва мактаб китоблари, тўрт театр китоби” ёзди.



АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ВА ЖАДИД МАТБУОТИ

**Мурод ЗИКРУЛЛАЕВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Қатағон қурбонлари хотираси давлат
музеи директорининг илмий ишлар
бўйича ўринбосари**

Ўзининг педагогик фаолияти, таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари ва сермахсул адабий-бадий ижоди билан фанимиз, адабиётимиз ҳамда маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдириди. Унинг Туркистонда ўзбек миллий матбуоти, бошқача таъбир билан айтганда, жадид матбуотининг вужудга келиши ва тараққий этишидаги фаолияти ҳам алоҳида саҳифа.

1905 йилда Россия империясида юз берган инқилоб, бирин-кетин содир бўла бошлаган ижтимоий-сиёсий жараёнлар вақтли матбуот ишларининг юришиб кетишига йўл очди. Шу даврда Туркистон шаҳарларида ҳам газета ва журналлар чоп этила бошланди. Дастлаб 1906 йилда Исмоил Обидийнинг “Тараққий” газетаси пайдо бўлди. Кўп ўтмай, “Хуршид”, “Тужжор”, “Осиё” газеталари чиқа бошладди.

Абдулла Авлоний мазкур нашрларнинг майдонга келишида бевосита иштирок этди. 1907 йил 4 декабрда эса унинг муҳаррирлигида “Шуҳрат” газетасининг биринчи сони босмадан чиқди. Авлоний таржimaiи ҳолида бу газетанинг чиқарилиши ҳақида бундай ёзади: “1906 йилда “Тараққий”, “Хуршид” газеталари чиқиб, эски ҳукумат томонидан тўхтатилгандан сўна 1907 йилда мен ўз муҳаррирлигим билан ҳамда темир йўл ишчиларининг социал-демократик фиркасининг алоқа ва ёрдами билан “Шуҳрат” исминдаги газетани Сапёрник кўчада чиқардим”. У газетанинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, “Бу газета бир ёқдан илмий ислохот учун мафкура ҳозирлагон бўлса, иккинчи ёқдан эл орасида ўзгариш туҳумини сочи”, дейди. Афсуски, замона зайли, ҳукумат тазийки туфайли газетанинг бор-йўғи 10 та сони чоп этилган, ҳолос.

Шундан кейин Авлоний ҳам қараб турмади: А.Бектемиров деган шахс номига рухсатнома олиб “Осиё” газетасини чиқара бошлайди. Бу газеталар ўзбек миллий матбуотининг дастлабки намуналари бўлгани билан ҳам муҳимдир. 1914-1915 йилларда эса кўпчиликка таниқли бўлган адвокат Убайдулла Хўжаев билан “Садойи Туркистон” газетасида ҳамкорлик қилди. Газетадаги шеър ва мақолаларнинг аксарияти Авлоний қаламига мансуб эди. У ўз шеърларини “Ҳижрон” тахаллуси билан, мақолаларини эса “Мулла Абдулла”, “Авлоний”, “Абдулла Авлоний” номлари билан эълон қилди. Кейинроқ унинг кўп мақолалари “Индамас” имзоси билан чоп этилди.

Авлоний 1917 йил февраль инқилобини хурсандчилик билан қутиб олди. Бунинг ижодидаги “Қутулдик”, “Ётма” шеърлари, Октябрга бағишлаб битилган “Хуррият марши” (1919), “Ишчилар қулоғига” каби шеърларида янги социалистик тузумни улуглаганидан пайқаш мумкин. Инқилобдан кейин “Яшасин халқ жумҳурияти!” шиори остида “Турон” газетасини ҳам чиқарди. 1918 йилда Туркистон шўролар ҳукуматининг биринчи газетаси — “Ишчиоқийон”нинг ташкилотчиларидан ва унинг биринчи муҳаррирларидан бўлди.

Лекин кўп ўтмай, совет тузуми эски чор тузумининг олдиндагидан баттарроқ шакли эканини, совет сиёсати рижорлик асосига қўрилганини англай бошлади. Юртнинг иқтисодий талон қилинаётганини, маҳаллий халққа ҳеч қандай ҳуқуқ берилмагани, асрий тартиб-удумлар, миллий анъаналар оёқости бўлаётганини, дин-диёнат емирилаётганини кўриб изтиробқа тушди.

Авлонийнинг жадид матбуоти билан боғлиқ фаолияти борасида фикр билдирилганда унинг келажак авлод манфаатини кўзлаб бажарган яна бир муҳим хизмати ҳақида муштарийларга маълумот бермоқчимиз.

Шубҳасиз, Авлоний ўз замонаси фарзанди эди. Ҳаёти қанчалик таҳликали, бўхронли кечмасин, ҳаммиса ўз халқига, Ватанига содиқ қолди, ҳамма вақт халқ дарди билан яшади. У ўз халқи ғамига ҳамдардгина бўлиб қолмай, унинг истиқболи учун қайғурди, унга озодлик ва бахт қидирди, уни муқаддас гоғлар учун курашга даъват қилди. Айниқса, халқни маърифатли қилишга, ёшларни даврининг илгор руҳида тарбиялашга бутун умрини сарф этди. Жадидчилик ҳаракатининг, ўзбек жадид адабиёти, матбуоти, миллий онг, янгича тафаккурнинг майдонга келиши ва тараққиётига катта хизмат қилди.

Ҳеч шубҳа йўқки, юртимизнинг узоқ ва яқин тарихида содир бўлган фалокат ва ҳалокатларнинг сабабларини излаш, узоқ муддат асорат ва мазлумликда бўлганимиз омилларини текшириш, турли замонларда содир бўлган ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлардан хабардор бўлиш, ватанимизнинг ҳаққоний тарихини ёритишда бирламчи манба сифатида, шубҳасиз, Туркистон вақтли матбуотининг ўрни бекиёсдир.

Албатта, миллий матбуот нашрлари саҳифаларида муҳрланиб қолган тарихий маълумотлардан фойдаланиш билан бирга, айнан ўша газета-журналларнинг вужудга келиши тарихини ҳам ўрганиш, билиш ҳамда кенг оммага билдириш муҳимдир.

Шу нуқтаи назардан Абдулла Авлонийнинг “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи” мақоласи ўзбек миллий матбуоти тарихини яратишдаги илк қадамлардан бири бўлган, десак муболаға эмас. Мақолада 1917 йилгача бўлган даврда Туркистонда нашр этилган газета ва журналлар ҳақида умумий маълумотлар берилган бўлса-да, уларнинг чиққан саналари кўрсатилмаган. Ҳожи Муиннинг “Қизил ўзбек матбуоти” мақоласида (“Зарафшон” газетаси, 1924 йил 21 июнь) совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин Самарқандда нашр қилинган газета ва журналлар тўғрисида, Саид Ахрорнинг “Бухоронинг қизил матбуот тарихчаси” мақоласида (“Озод Бухоро” газетаси,



1924 йил 21, 29 июнь) Ёш бухороликлар ва коммунистлар партиясининг нашри бўлган газета ва журналлар тарихи ҳақида қисқача маълумотлар берилган. 1927 йилда эса Зиё Саиднинг “Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар” китоби нашр этилган.

Туркистон миллий матбуотининг халқнинг миллий манфаатларини чинаякама ҳимоя қила олишини тушушган Авлоний ўз мақоласида минтақада совет матбуоти юзага келгунга қадар бўлган вақтли матбуотнинг қисқача тарихини баён қилган. Унда газета-журналларнинг чиққан саналари, муҳаррирлари, мақсад ва маслаги тўғрисида жуда кўп ва муҳим материаллар келтирилган. Табиийки, унда берилган маълумотлар хато ва камчиликлардан холи эмас. Бунинг муаллифининг ўзи ҳам эътироф этиб, вақт зикрлиги туфайли газета-журналларнинг барчасини синқлаб кўролмаганини, мақоласини уларнинг ўзида бор нусхалари ҳамда давлат архивларида мавжуд сонлари асосида ёзганини қайд қилиб ўтган. У ўзи кўздан кечирилмаган газета-журналлар бор бўлса, улар ҳақида ёзишни, йўл қўйган хатоларини тузатишни “ўртоқлари”дан самимий илтимос қилган. Шу аснода келажакда ўзбек матбуоти тарихига бир мустаҳкам асос қолдириш зарурлигини таъкидлаган.

Мазкур мақолани тузилиш жиҳатидан уч қисмга ажратиш мумкин. Унда даставвал Авлоний Туркистонда совет матбуоти юзага келгунга қадар чиқарилган “Туркистон вилоятининг газети”, “Туркистон вилоятининг умр гуздорлиги — Тараққий газетаси”, “Тараққий”, “Хуршид”, “Шуҳрат”, “Осиё”, “Тужжор”, “Самарқанд”, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фаргона”, “Эл байроғи”, “Наҳот”, “Кенгаш”, “Турон”, “Улуғ Туркистон”,

1905 йилда Россия империясида юз берган инқилоб, бирин-кетин содир бўла бошлаган ижтимоий-сиёсий жараёнлар вақтли матбуот ишларининг юришиб кетишига йўл очди. Шу даврда Туркистон шаҳарларида ҳам газета ва журналлар чоп этила бошланди. Дастлаб 1906 йилда Исмоил Обидийнинг “Тараққий” газетаси пайдо бўлди. Кўп ўтмай, “Хуршид”, “Тужжор”, “Осиё” газеталари чиқа бошлади.

“Турк эли”, “Шўрои ислом”, “Тирик сўз”, “Халқ ғайрати”, “Халқ дорупфунуни”, “Меҳнаткашлар довуши”, “Меҳнаткашлар ўқи”, “Турк сўзи” сингари газеталар, кейинги галда эса “Ал-Ислоҳ”, “Ойна”, “Деҳқон”, “Юрт”, “Ишчилар дунёси”, “Ал-Изоҳ”, “Изоҳ ул-ҳақ”, “Чаён” журналлари тўғрисида мухтасар маълумотлар беради.

Бевосита ўзи муҳаррирлик қилган “Шуҳрат”, “Турон” газеталари тўғрисида нисбатан тўлиқроқ маълумотлар берилган.

1917 йилдан кейин ҳокимият тепасига большевиклар келган, жадид маърифатпарварлари ўз гоғларини матбуотда 1924 йилларгача гоғо очик, гоғо пинҳон тарзда баён қилиб борганлар. Ўз мақолаларида иложи борица келажак авлодлар учун ҳаққоний маълумотларни қолдиришга ҳаракат қилган.

Авлоний ҳам “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи” мақоласининг хулоса қисмида XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда тараққийпарвар ёшлар ҳамда руҳонийлар ва бойлардан иборат икки оқим мавжуд бўлгани, ушбу оқимларнинг маслаги, мақсади ҳақида қимматли фикрларини баён этган. Жумладан, тараққийпарварлар хусусида фикр билдириб, уларнинг асосий мақсади Россия империясида содир бўлаётган ўзгаришлар давридан унумли фойдаланган ҳолда, “халқнинг кўзини очиб, турли илмий, маданий йўллар билан келгуси учун кишилар тайёрламоқ эди. Ва амалий чораларга қурол қилиб мактаб, матбуот ва санъоёи нафиса (маданият, санъат, масалан театр) ишларини олгон эди. Албатта, тараққий йўлида бу уч нарса гоғат буюк амаллардан-дир”, дея хулоса чиқаради.

Авлонийнинг ушбу мақоласи тарихшунос, тилшунос, журналистика ҳамда миллий матбуот тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун қимматли манба эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шубҳасиз, Авлоний ўз замонаси фарзанди эди. Ҳаёти қанчалик таҳликали, бўхронли кечмасин, ҳаммиса ўз халқига, Ватанига содиқ қолди, ҳамма вақт халқ дарди билан яшади. У ўз халқи ғамига ҳамдардгина бўлиб қолмай, унинг истиқболи учун қайғурди, унга озодлик ва бахт қидирди, уни муқаддас гоғлар учун курашга даъват қилди. Айниқса, халқни маърифатли қилишга, ёшларни даврининг илгор руҳида тарбиялашга бутун умрини сарф этди. Жадидчилик ҳаракатининг, ўзбек жадид адабиёти, матбуоти, миллий онг, янгича тафаккурнинг майдонга келиши ва тараққиётига катта хизмат қилди.

Абдулла Авлоний 1934 йил 25 августда вафот этди.

Мустабид тузумнинг миллий ва диний қадриятларини поймол этишга қаратилган маққорона сиёсатининг яна бир далили ўлароқ айтиш керакки, Авлоний муслмон қабристонига эмас, Тошкентдаги ўша даврларда “коммунистлар қабристонини” деб юритилган Боткин қабристонига дафн этилди.

Фақат мустақиллик шарофати билангина Абдулла Авлоний каби фидойи инсонларнинг муборак номлари тикланиб, хотиралари абадийлаштирилмоқда. Улардан қолган бой илмий-адабий мерос ўрганилиб, халқимизга тақдим этилмоқда. Ҳозир Авлоний номида бир қатор мактаблар бор. Тошкент шаҳридаги икки маҳалла, уч мактаб ва кўча ҳамда Республика ўқитувчилар малакасини ошириш марказий институти унинг номиди.

Миллий юксалиш сари илдам бораётган, янгиланаётган Ўзбекистонда унинг меҳнатлари янада юксак эътирофга сазовор бўлди. Ўзбекистон Президенти фармони билан Абдулла Авлоний “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2020 йил 21 октябрь, 201-сон

Муסיқий қомус

Миллий мақомларимизда халқимизнинг қадимий тарихи, маънавий дунёси, бадий фалсафаси, руҳи мужассам. Шу боис неча асрдирки, мақом бебаҳо маданий мерос сифатида ардоқланиб келинмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ўзбек мумтоз муסיқаси тарихида янги даврни бошлаб берган муҳим ҳужжат бўлди. Унда мақом санъатини янада ривожлантириш ва уни бутун дунё бўйлаб тан олинишига имкон яратиш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилган.



Мақомнинг мангу мўъжизаси

**Нилуфар БОТИРОВА,
Юнус Ражабий номидаги
Ўзбек миллий муסיқа санъати
институти халқаро алоқалар
бўлими ходими**

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, мақом ижрочилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаси — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий муסיқа санъати институти ташкил этилиб, айни пайтда мазкур олий даргоҳ ўз зиммасига юклатилган вазифани масъулият билан удалашга интилмоқда. Мақом санъати



бўйича билим ва тушунчалар, тарихий ва миллий анъаналарни пухта эгаллаган ёш кадрларни тайёрлаш ҳамда таълим жараёнига замонавий педагогик ва инновацион технологияларни, маданият ва санъат соҳасида илм-фан бўйича эришилган илгор ютуқларни татбиқ этиш институти жамоаси олдига қўйган энг олий мақсадлардандир.

Яқинда Маданият вазирлиги ва Ўзбек миллий муסיқа санъати институти ташаббуси билан “Фарзандларимизни мақомот ила қамолотга элтайлик” шиори остида ўтказилган I республика илмий-амалий вебинари ҳам айни мана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бошланғич мақом таълимининг методологик муаммоларига бағишланган анжуманда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳри, Фаргона, Бухоро ва Хоразм вилоятларида ташкил этилган, мақом санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатлардаги ўқитиш услублари, бошланғич мақом таълими тизимидagi мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалалари атрофича муҳокама қилинди.

Бу мактаблар мақом санъатини бошланғич босқичда ўргатуви илк таълим даргоҳлариридир. Шундай экан, бу масканларда мақом назарияси ва амалиётини қандай ўргатиш керак ва бунда

соҳа мутахассисларининг ёндашуви ва эътибори, аввало, нимага қаратилиши лозим? Айни шу саволлар устоз санъаткорлар, муסיқашунос олимлар, санъат усталари, хонандаю созандаларнинг муҳокама марказида бўлди.

Маданият вазир Озодбек Назарбеков мақом ўқитишдаги муаммолар ҳақида сўз юритиб, кўплаб истеъодли созанда ва хонандаларнинг муסיқий саводи йўқлиги таълим жараёнидаги огриқли нуқталардан бири эканини таъкидлади. Бу борада ихтисослашган мактаб-интернатларда назария ва амалиётни ёнма-ён олиб бориш, бошланғич таълим даргоҳлари ўзбек миллий муסיқасининг ядроси бўлиши кераклигини илмий ва ҳаётий мисоллар билан асослаб берди.

Санъатушунослик фанлари номзоди, профессор, мақомшунос олим Отаназар Матёкубов “Мақомнинг илми — унинг ўқ томири, амалиёти эса ёндош томир-дир” сўзларини вебинар иштирокчиларига изоҳлаб бера экан, мақомнинг амалиёти ҳар хил шаклларга интеграция бўлса ҳам, унинг назарияси турғун ва бир хил тамойил асосида тузилиши кераклигини алоҳида қайд этди.

Вебинарда Бухоро, Фаргона ва Хоразм мақом мактаб-интернатларининг раҳбар ва ўқитувчилари ҳам сўзга чиқиб, мақом таълими бўйича услубий қўлланмалар жуда камлиги ва бу борада таянч ўқув-услубий қўлланмаларни яратиш ва тарғиб қилиш бўйича мавжуд бир қатор муаммоларни ўртага ташлади. Шу билан бирга, бошланғич мақом таълимини шакллантириш хусусида жўяйи ва қизқарли тасвиялар берилди. Жумладан, Бухоро мақом мактаби ўқитувчиси Толиб Темировнинг “Мақомларни фарзандларимизга боғча ёшидан ўргатиб бориш, яъни муסיқа машғулоти дарсларида 5-10 дақиқа “соқийнома”, “уфур” каби енгил мақом усулларини қўйиб бериш орқали болаларимиз қулоғида миллий оҳанглар ва усулларнинг ўтқоқлашишига эришишимиз мумкин”, деган таклифи кўпчиликда қизқиш уйғотди.

Инсоният тафаккурининг ёрқин маҳсули бўлган мақом доимо тинловчилар, мухлисларни ҳайратга солиб келган йирки муסיқий қомусдир. Айтиш жоизки, шу кунгача мақом таълимида унинг амалиётига эътибор қучайтирилиб, назарий томонлари анча оқсаган эди. Бошланғич таълим босқичига мақом санъатининг кириб келиши эса унинг турфа ижодий мезонларини очиб беради ва бу борада мавжуд муаммоли масалаларнинг ўз ечимини топишда туртки вазифасини бажаради.

Илмий-амалий вебинарда ташкилотчилар мақом санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг келгуси йўналишларини белгилаш, ўқув-услубий қўлланмаларни жорий қилиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари асосида таклифлар ишлаб чиқиш режалаштирилди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236 Буюртма — 2702.
42210 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.
“KOLORPAK” МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Ёлбек кўчаси, 8-уй. Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусахҳиҳ: Ойдин Абдултуднова
Дизайнер: Зафар Бақиров
Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Ўза яқини — 00:35 Топирилди — 02:00

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ёшлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru